

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

**“*Бовишарман* _____ ХУДУДИЙ
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ
КОРХОНАСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ**

№ _____

УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 26 январь

Б 269 -сон

Самарқанд шаҳри
ТШЭТЖ номи

асосида фаолият юритувчи

(туман(шаҳар) электр таъминотини корхонасининг номи)

(кейинги ўринларда

Рахбари

(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Таъминотчи корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Устоз асосида фаолият

юритувчи Вилоят руҳий қавалликлар маркази
(истеъмолчининг номи)

раҳбари А. Ахмедов (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан маъсур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва “Истеъмолчи” истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми: _____ кВт.с. реактив

Актив 19 200 кВт.с. реактив _____ кВт.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий

нарни 450 сўми, тариф буйича 2 640 000 сўмга ташкил этади.

тариф түри: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (керакаси ёзилган)

2.3. “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўлашини лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, ҳисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инobatта олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёслонидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, шомбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган, ўсиб борувчи коэффициент қўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжалиқлари ва сув истеъмолчилари

уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялангирладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни табақалаштирилган тариф буйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф буйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф буйича,

тигиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунг давр – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолнига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нарҳин шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар буйича амалга оширади.

Уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматда мукофот олиш имконини берадиган таксимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратини буйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари буйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланиладиган энг юқори тариф гуруҳи буйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. “Истеъмолчи” ҳисоб-китоб даври тугайдиган сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи буйича ҳисобот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг _____ санагача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар буйича электр энергия сарфи буйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунг пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Ҳудудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг кучи киришидан камидан 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқисинда тўлашга ҳажми учун тўлов қилидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларнинг нотўғри қўлланиш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқиладиган ва "Таъминотчи корхона" томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафозут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. "Истеъмолчи"га электр энергияси етказиб бериш 100 фойз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фойз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фойз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фойз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг якуний охиригача

ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узингача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

"Истеъмолчи" турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир печта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этади.

"Таъминотчи корхона" томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисоб-варағ-фактураларнинг фойдаланиши тақомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфларини ҳажми "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфларини ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўчиб борилади. *(6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдирлади).*

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатишганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатишган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олинганда кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун

қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. "Истеъмолчи" томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида "Таъминотчи корхона"га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда талбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмининг аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

"Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"нинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати хақида батафсил маълумотлар доний асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фойздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, "Истеъмолчи"дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

"Истеъмолчи"нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шуниқдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағларни қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмининг тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун "Истеъмолчи"га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фойзи миқдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фойз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фойзидан ошмаслиги лозим.

3.13. "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи корхона" ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. "Истеъмолчи"ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узатилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда; ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганини оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мажбур бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда; ҳисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига таъсирдан аралашини ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда; электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашни, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватга таъқиқлик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси учирин вақтини кўрсатган

ҳолда, истеъмолчилардан рскамалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олилмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, "Истеъмолчи"ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. "Истеъмолчи" томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. "Истеъмолчи" электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. "Истеъмолчи" томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

"Истеъмолчи"нинг электр қурилмаларини "Таъминотчи корхона" электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Таъминотчи корхона"га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, тегишли миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки буйсуғув буйича юқори органга (маъсаддор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. "Истеъмолчи" қуйидагиларга мажбур:

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куватни) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қондаларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Ўзэнергоинспекциясининг"нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қондалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини қуришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун 100 % олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда "Таъминотчи корхона"га буюртманомга бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган "Истеъмолчи" "Таъминотчи корхона"нинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалари даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни таъқил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта қўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш зарурятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қамайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг таъқилланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қамайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) таъминот-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” куйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан туланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни куриш зарурати бўлганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан энергия етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

4.4. “Таъминотчи корхона” куйидагиларга мажбур:

“Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлишини чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергиясини билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

“Истеъмолчи”ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

критиқлаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда “Истеъмолчи”га олдиндан хабар бериш;

электр энергиясини тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай куриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини қўлайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад эғиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

“Истеъмолчи”да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикасини қонунийлигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари

бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, “Таъминотчи корхона” бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплатишга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплатишга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

“Истеъмолчи” электр энергиясини истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергиясини истеъмолчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергиясини чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергиясини етказиб берилганлиги учун;

захира майбан автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергиясини ишлаб чиқарувчи (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармоқ орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиши ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шартномада кайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган еғиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

5.5. Электр энергиясини ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатишганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергиясини технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатишган электр энергиясини миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 20 22 йил 31 12 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг ишловлари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг вақолагли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб - қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили Ўзбекистон Республикаси
 Ҳисобрақами 100012601823670 73201034 901
 Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 20013890
 Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган Истеъмолчилар учун:
 Бюджет фонднинг ҳисобрақами
 Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) _____
 Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами
 Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) _____
 ҚҚС туловчининг коди _____
 Телефонлар: 95 410-40-20 Факс: 66 225-17-24 e.mail: _____
 (Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)
 Кадастр рақами _____

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) _____
 DBVT (СОГУ) _____
 MHOVT (СОАТО) _____
 (КФС) _____
 GSHK (КОФ) _____

ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили _____
 Ҳисобрақами _____
 Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) _____
 ҚҚС туловчининг коди _____
 Телефонлар: _____ Факс: _____
 Статистик кодлар:
 DBVT (СОГУ) _____
 MHOVT (СОАТО) _____

Истеъмолчи:

Таъминотчи корхона:

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ҲУДОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси
 юристконсулт _____

Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монӣйлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролнк кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низолларни ҳал қилиш тартиби белгиланган.

(Юристконсулт _____)

Электр таъминотининг шартномасига
 I - илова

Ётказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури _____
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича руҳсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
 • Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (амалда) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: таъкалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (қисқисси ёзилади)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Иил, жами	19 200			8 640 000	
Январь	6 400		450	2 880 000	
Февраль	6 400		450	2 880 000	
Март	6 400		450	2 880 000	
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади _____ соат, оёга _____ кун

Умумий юклагага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида I _____ II _____ III _____

Истеъмолчи

 М.У. _____ (Ило, Ф.И.Ш., сана)

Таъминотчи корхона

 М.У. _____ (Ило, Ф.И.Ш., сана)

Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг таъсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб"Истеъмолчи"нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоъфаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг рақами	Узлов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ кВт.с.
				Ток	Кучланиш		

Истеъмолчи:

М.Ў. (Имзо)

Имзолар:
Таъминотчи корхона:

М.Ў. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

Томошлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ; Ҳар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами _____ ток трансформатори _____ кучланиш
трансформатори _____ эълами коэффициент _____ уланган қуввати _____ кВт
Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзил _____
шаҳар, қфй, мфй, куча уй рақами _____

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____
Труба шил.чик, Шлякоблок, Гипс, Пленка шил.чик, Акфа чеги, Насос, Савдо, Кафе., Ойхона, Устакона ва... 777

1. "Истеъмолчи"нинг балансиди қуйидаги электр қурилмалар манжул:
- а) ҳаво электр тармоғи _____
 - б) кабель электр тармоғи _____
 - в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами _____ кВА

2. "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи корхона" ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан қуйидагиларга:
- а) _____
 - б) _____

"Истеъмолчи" билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" № _____ сана _____ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш" шартномаси тузмаса _____ томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: _____

Истеъмолчи:
М.Ў.
Таъминотчи корхона:
М.Ў.

Вакиллар:

(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВт.р.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг _____ фонзини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари гача бўлган электр тармоқларидаги электр энергиясини йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.

Истеъмолчи:

М.Ў. (Имзо)

Имзолар:

Таъминотчи корхона:

М.Ў. (Имзо)

**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ҲИСОБОТ**

20__ йил _____ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «__» _____ 20__ йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВт.р.с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошлангич	охирги			Эрта-лабки тигиз вақт	Кун	Кечки тигиз вақт	Тун	
											соат 6-9	соат 9-17
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изох: 7 устуи = 6 устуи - 5 устуи, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами 8 устуи = 7 устуи * 4 устуи,
8 устуи = 9 устуи + 10 устуи + 11 устуи + 12 устуи + гр13 устуи;


Истеъмолчи раҳбари

М.Ў.

Таъминотчи корхона энергетиги

Ф.И.Ш. имзоси

Ф.И.Ш. имзоси



Электр таъминотининг шартномасига
6 - илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташиқлотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни старича тўддирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳисоб қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдир этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан белгиланади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан белгиланади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан белгиланади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан белгиланади.

Истеъмолчи:



Таъминотчи корхона:



Электр таъминотининг шартномасига
7 - илова
Аварийвий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____ ширтирокида тузилади.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзига келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брoн даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронига шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кирди (2-бандга қараг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:
 I босқич _____ кВт
 II босқич _____ кВт
 III босқич _____ кВт
 IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ширтиниг мустақиллигига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари электр тармоғидан узилмаган ҳолда қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши заҳира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (қўйиб агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан таъминотини жорхона билан келишилган ҳолда рухсатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи: _____
 МУ _____

«SAMARQAND SHAHAR ELEKTR TA'MINOTI» AJDODIY ELEKTR TA'MINOTI JOHONATI
 Ташкилatchi
 А.Теймуров
 (И.ш.)